

07.00.00 – TARIX FANLARI

ҚАДИМДА БУХОРОДА ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРИХИ

Джурраев Хусен Хайруллаевич,

Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация: мазкур мақолада қадимда Бухорода қоғоз ишлаб чиқарувчи махсус тегирмонлар яъни қоғозжувозларнинг бўлганлиги, қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ҳақида илмий асослар келтирилган. Шу жумладан, Бухоро қоғози ҳақида тарихчи ва соҳа мутахассисларнинг фикри ҳамда ислом уламоларнинг қоғозга бўлган ҳурмат ва эҳтиромлари ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Бухоро, Хитой, Самарқанд, Марказий Осиё, Мовароуннаҳр, қоғоз, саноат, сув, тегирмонлар, ҳунарманд, тарих.

ИСТОРИЯ ПРОИЗВОДСТВА БУМАГИ В ДРЕВНЕЙ БУХАРЕ

Джурраев Хусен Хайруллоевич

доцент кафедры «Исламская история и источниковедение, философия», доктор философии (PhD) по историческим наукам, Бухарского государственного университета.

Аннотация: в данной статье рассказывается об истории в древности производства бумаги в Бухаре и особых бумажных мельницы (когоз джувоз) и о технологии производства бумаги. В том числе мнение историков и специалистов о бухарской бумаге, а также исторические сведения об уважении и почитании бумаги исламскими учеными.

Ключевые слова: Бухара, Китай, Самарканд, Средняя Азия, Мавереннахр, бумага, промышленность, вода, мельницы, ремесленник, история.

HISTORY OF PAPER PRODUCTION IN ANCIENT BUKHARA

Dzhurraev Khusen Khairulloevich

Associate Professor of the Department of “Islamic History and Source Study, Philosophy”, Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences, Bukhara State University.

Annotation: this article tells about the history of antiquity of paper production in Bukhara and special paper mills (kogoz juvoz) and paper production technology. Including the opinion of historians and specialists about Bukhara paper, as well as historical information about the respect and veneration of paper by Islamic scholars.

Key words: Bukhara, China, Samarkand, Central Asia, Maverennahr, paper, industry, water, mills, craftsman, history.

КИРИШ. Дунё маданият тараққиёти тарихида Шарқ китобат санъатининг ўзига хос ҳамда бетакрор ўрни бор. Кўхна Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда китобатчилик соҳасининг шаклланиши ва тараққий этиши Шарқ дунёсида илк бор айни шу ҳудуд бағрида қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқдир.

Тарихидан маълумки, қадимги даврларданок инсонлар бир-бирлари билан алоқа қилишда, маълумот алмашинишда ёзувдан фойдаланган. Ёзувлар қоя тошлари, суяклар, сопол идишлар каби турли буюмларга ёзилган. Инсонларнинг ёзувга бўлган эҳтиёжи оқибатида ёзиш учун турли нарсалар ихтиро қилишига сабаб бўлиб, бу бора-бора қоғозни ихтиро қилинишига олиб келди.

Манбалардан келтирилган маълумотларда, Хитойда қоғознинг кашф этилиши ва ишлаб чиқарила бошланиши дунё миқёсида китобатчиликнинг тез суръатлар билан ривожланишига туртки бўлди. Хитойликлар сердаромад соҳа ҳисобланган қоғоз ишлаб

чиқаришни қанчалик сир тутмасинлар, VIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан, Бухорода Хитой қоғози сингари сифатга эга маҳсулот тайёрлана бошланди. Чунки Бухорода қоғоз ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хомашёнинг барча турлари - ипак, пахта, канош, қамиш, похол, тут новдаси пўсти кўп эди. Шу тариқа Бухоро қоғозининг довуғи қисқа вақт ичида дунёга таралди [3: 305-306; 12: 273].

Хитойда қоғоз тайёрлашда асосан тут ва бамбукдан фойдаланилган. Бухоро қоғозига эса турли мато бўлаклари асосий хомашё бўлиб хизмат қилган. Бу маълумот Ибн ан-Надимнинг “Фихрист” [5: 30]. асарида ҳам келтирилган бўлиб, муаллиф Хитой қоғозидан фарқли равишда, мато кўшиб ишланган қоғоз тури ҳақида гапирар экан, бу усулнинг келиб чиқиш санаси борасида турли ихтилофлар мавжудлигини зикр этган (унингча, айримлар бу услуб уммавийлар даврида вужудга келган деса, айримлар аббосийлар даври дея кўрсатади). Шунингдек, қоғознинг ўша даврда машҳур бўлган бир неча турлари, жумладан, “Сулаймоний”, “Нуҳий” (Бухороликлар Нуҳ ибн Наср Сомонийга нисбат берилган ушбу қоғоз турини ишлаб чиқардилар), “Жаъфарий”, “Тоҳирий”, “Фаръуний” ва бошқаларни санаб ўтган [9: 23].

Истахрийнинг айтишича, IX асрда қоғоз фақат Мовароуннаҳрда ишлаб чиқарилган. X асрга келиб қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари Дамашқ, Тверия (Тивериада-Фаластиндаги қадимий шаҳар номи) ва Триполида фаолият юритса-да, Бухоро ҳамда Самарқанд ҳали ҳам қоғоз ишлаб чиқаришнинг маркази бўлиб қолаверган [6: 116-150]. Бухорода қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши билан Мисрнинг папирус ишлаб чиқаришдаги монополиясига барҳам берилди. Ҳатто Нажмиддин Умар Насафий ўзининг “Китобу-л-канд” номли асарида IX асрда Бухорода қоғоз бозори борлиги, муҳаддислардан бири Абу Сулаймон Довуд Марвазий (ваф. 281/895 й.) ўша қоғоз бозорида даллолик қилганлигини эслатиб ўтган. У Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Наср Розий Варроқ, Абу Али Исмоил ибн Яҳё Варроқий Самарқандий ва бошқа кўплаб қоғоз ишлаб чиқариш ҳамда унинг савдоси билан шуғулланган олимлар ҳақида ҳам қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган [8: 321].

Қадимдан қоғозга бўлган эҳтиёж унинг ардоқланиб, келинишига сабаб бўлган. Ҳатто, фикхий манбаларда қоғозни исроф қилмаслик борасидаги турли ривоятларнинг мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, XIV асрда яратилган “Салоти Масъудий” номли асарда қуйидаги ривоят келтирилади: “Ҳайрату-л-фуқҳо ва ҳижлату-л-фузалода келтурубдурки, “Хожа Абу Ҳафс Кабир Бухорий айтибдурлар: - “Мен таҳоратсиз кўлимда қоғозфурушлар расталаридан ўтмас эрдим.” [11: 153; 21-23 қатор].

Шунингдек, “Ҳайрату-л-фуқҳо” асарининг бошқа бир ўрнида Имом Абу Ҳанифадан қуйидаги ривоят баён этилган: - “Агар таҳоратсиз бўлсанг қоғоз сотиладиган жойга борма. Бу мусулмонликни улуғлашдир. Ёзилган қоғозларни оёқости қилиш харфларни хор қилишдир” [13: 53].

Араб исломшуноси Эҳсон Зунуннинг таъкидлашича, қоғоз бозоридаги дўконларда варроқлар (қоғозфурушлар) янги келган китоблар борасида фикр алмашиш учун йиғилганлар. Мазкур илмий муҳокамаларда талабалар ҳам фаол иштирок этган. Шундай бозорлардан бири Бухорода фаолият юритган. Бухоро варроқлари орасида тарихчи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Гунжор, Муҳаммад Даллол дўкони, фақиҳ Солиҳ Жазранинг уйига яқин бўлган Комил ибн Маккий ибн Муҳаммад ибн Вардон, Аҳмад ибн Шуайб ибн Солиҳ, Муҳаммад ибн Закариё ибн Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Динор ва Муҳаммад ибн Яҳё ибн Назр ибн Муовиялар қоғоз дўконлари машҳур бўлган [15: 25].

Дамашқ ва Бухорои шарифнинг олий сифат қоғозлари ҳақида. - Таникли турк олими ва хатготи Маҳмуд Бадриддин Ёзир ўзининг “Маданият оламида ёзув ва ислом маданиятида қалам гўзали” (Ayyıldiz matbaasi, Ankara - 1974) номли китобининг II жилдида қадимий кўлэзмаманбалар асосида ўтмишда қўлланилган қоғоз турларини санаб кўрсатади: “Когид турларидан “Ҳашебий” (қоғози Абрешимий - ипакдан тайёрланган) ва “Дамишқий”га эътибор бериладир ва Самарқанд когидиндан ашакиси қабул этилмайди: Когиднинг энг оддийси “Дамишқий” дирки, қиймати маълумдир. Иккинчи “Давлат - ободий” дирки, барчаси тушунарлидир. Учтинчи “Хатойи” дир. Тўртинчиси “Одилшоҳий” дир. Бешинчи “Ҳарири Самарқандий” дир. Еттинчи “Ҳиндий” дир. Саккизинчи “Низомшоҳий” дир.

Тўққизинчи “Қосимбегий” дир. ўнинчи Ҳарири Ҳиндий” дирки, кичик қитъададир. Ўн биринчи Гуни-и Табризий” дир, шакар рангдир. Ишлаб чиқарилиши Табризлиларга махсусдир. Ўн иккинчи “Муҳаййир” дирки, у ҳам шакар рангдир. Бу қоғоз турларига юқорида исми кўрсатилган “Ҳашебий” ва “Самарқандий” ҳам илова қилинса, ҳаммаси 14 нав бўлади... “Ободий” когидларининг биринчи нав (синф) когидлардан эканлигига хаттотларнинг розилиги бор. Бухоро когидлари ҳам сафда келади.” [4: 55].

Туркиялик тарихчи олим, профессор Карабажек олиб борган тадқиқотларга кўра, қоғознинг эски увода ёки латта-путталардан тайёрланиши бухоролик ва самарқандликларнинг кашфиёти сифатида талқин қилинади. Чунки Бухорода X асрга қадар, аниқроғи 940 йилгача уводадан қоғоз тайёрлаш иши йўлга қўйилган, деб эътироф этилади. Лекин баъзи манбаларда уводадан қоғоз тайёрлаш технологияси Хитойда эрамизнинг иккинчи асридан эътиборан мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам бор. Нима бўлганда ҳам, X асрнинг охирига келиб, Бухоро ва Самарқанд қоғози ислом мамлакатларида папирус ҳамда пергамент ўрнини тамоман эгаллади [7: 12].

Ўрта асрларда қоғоз ишлаб чиқариш сердаромад соҳага айланди ва бундан катта фойда олина бошланди. Бухоро ўз қоғозини халифаликнинг бошқа вилоятларига ҳам сотишни йўлга қўйди. Бу қоғоз турининг Европа бозорига етказиб берилиши у ерда илгари ёзиш учун асосий ашё сифатида ишлатилиб келинган папирус, чарм, пергамент кабиларнинг ўрнини энди қоғоз эгаллашига ва бу эса нафақат Европа, балки бутун дунё маданий тараққиётининг юксалишига сезиларли туртки бўлди.

Бухоро ва Самарқанд қоғозини тайёрлаш тахминан уч юз йил давомида сир тутиб келинди. Фақатгина XI асрга келиб бу қоғоздан андоза олган ҳолда, дастлаб, Ироқ ва Сурияда қоғоз тайёрлана бошланди. Кейинроқ тарихда “араб кўприги” деб ном олган Миср, Шимолий Африка ва Марокаш орқали Испанияга ҳам Бухоро қоғозини тайёрлаш технологияси етиб келди. XIII асрга келиб махсулот тайёрлаш сирлари бутун Европага ёйилди. Испанияда XII аср бошларида, Италияда 1276 йил, Францияда 1348 йил, Олмонияда 1390 йилларда илк қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Рус давлатида XIV аср ўрталарида қоғоз ишлаб чиқарила бошланди.

Ўрта Осиёни Чор Россияси истило қилгач, бу ерда қоғоз ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди. Ўрта Осиёда қоғоз Бухородан ташқари, Самарқанд Кўкон шаҳарларида ва уларнинг теварак-атрофида жойлашган қишлоқларда ҳам ишлаб чиқарилган. Венгер саёҳатчи олими Ҳерман Вамбери Бухорода тайёрланган қоғоз ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Бухорода тайёрланган ёзув қоғозларининг шухрати нафақат Туркистонга, балки қўшни давлатларга ҳам таралгандир. Бу қоғозлар ипақдан тайёрланган бўлиб, силлиқлиги ҳамда нозиклиги билан араб ёзуви учун жуда қулай бўлган.” [14: 36].

Ҳиндистонда нашр этилган китоблар эса юпка, сарғиш, тубжой аҳоли тили билан айтганда, “жайдари” қоғозларда нашр қилинган. Тошбосма ва босма нашрлар қўлёзма китоблар қийматини тушириб юборган. Илгари машҳур бўлган, “ипак”, “канаби”, “хон балиғи” каби юқори навли қоғозлар ўрнига юпка, сифатсиз қоғозларга қўлёзмалар кўчирилганлигини ҳам учратиш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР. Бухорода қамиш қоғоз, увода қоғоз, ипақ қоғоз, қоғози қатони ҳамда зиғирпоя қоғозлар ишлаб чиқарилган. Бу қоғозларни қамиш, пахта (ғўза), пилла, каноп ва зиғирпоядан тайёрлаганлар.

Энг қадимий жувоз қоғозлар Варахша, Зандана, Пойкент ҳамда Азғунда бўлганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Энди шу қоғозлар тарихи билан танишиб чиқамиз.

Варахша жувоз қоғози – Варахша сўзи шарҳига икки тахмин бор. Биринчи тахмин – шаҳар номланиши – 12 та ариқ тўғонидан олинган дейилса, иккинчи тахмин Абрешим – энг юқори навли пилла толаси дейилади. Бизнингча, иккала тахмин ҳам шаҳар номланиши учун ярашади. Биринчидан, Варахша кенти ёнигача 12 та серсув ариқ оқиб борган. Катта тўғон ана шу ерда бўлган. Сувни кентлар аҳолисига тақсимлаб берувчи тўғон боши ҳам бўлган. Уни Вирикшоҳ – яъни, тўғонлар шоҳи деганлар. Суғд тилида тўғонни – варик, варк, барк дейишган. Афрахша эса абрешим (ипак) ипига яқин қимматбаҳо ип дегани. Уйлаб кўрсак, 12 та ариғи ва катта тўғони бўлади-ю, дон-дун,

қоғоз тегирмони бўлмайдами? Бўлади, чунки ўтмишдошларимиз ҳар бир нарса қадрига етиб, ундан фойдаланиб, ҳурматини жойига қўйганлар. Жумладан, қамиши кўфтадан пиширилган қоғознинг ҳам...

Зандана, Сидибобо, Сирий, Бисбирий, Қалъаи Мири Шикор, Қамбарота қалъаларини айланиб, Мингшахар томон мавжланиб борган Пешку туманидаги Тахтиравон ариғи. Бу сув хазинаси бугун ҳам бор. Тахтиравон ариғи бўйларида кўплаб тегирмонлар, жумладан, жувоз қоғозлар ҳам тиним билмай ишлаганини қўлёзма битиклар баён этади. Афшона кенти ҳақида Марказий Осиё тарихнавислигининг илк қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш “Таърихи Бухоро” (Бухоро тарихи) [1: 58]. деб шуҳрат топган нодир асарнинг муаллифи бухоролик тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закарийя ал-Хаттоб ибн Шарик ан-Наршахий (899-959) шундай ёзган: “Ёнгинасидан Харқонруд ариғи оқиб ўтиб, кўплаб боғларнинг бунёд этилишига сабабчидир. Харқонруд (бугунги Хайробода ариғи) тез оқар бўлиб, тегирмон, мойжувоз, қоғоз жувозларнинг унумли ишлашини таъминлаган”ини тарихий фактлар тасдиқлайди. Қаердаки катта оқар ариқ бўлса, ўша жойларда ун тегирмонлари билан бирга қоғоз жувозлари ҳам бўлган. Бу ҳақиқат.

Ғурбун жувоз қоғози – Ғурбун жувоз қоғозининг тузилиши ғаройиб бўлган. Сув парраги ва унга ўрнатилган ёғоч тукмоқлар, ёғоч тукмоқлар пастида катта ҳажмдаги ёғоч охур - (яма). Охур (аслида обхур, яъни сув солиб қуядиган идиш дегани) ўрнатилган. Охурда аралашма ва таркиби камиш кесмалари, оҳак ва ишқордан иборат. Бу маҳсулотлар 10-15 кун узлуксиз тукмоқлар билан уриб, жуда майин майдаланган. Айрим мутахассисларнинг гапига қараганда, сурмадан ҳам майинроқ майдаланган. Майдаланган қоришма охурдан олиниб, 15 кун димлаб қўйилган ва усти қалин матоҳ билан ёпилган. 15 кун ўтгач, димлаб қўйилган маҳсулот – қоришма катта дошқозонларга солиниб пиширилган. Пиширилган атала маҳсус қолипга ғалвирлар орқали сузиб олиниб, қуритилган. Қуритилган маълум ўлчамдаги варақлар устма-уст қуйилиб, катта тоштахталарнинг устига бостириб қўйилган. Бостириб қўйилган варақ қоғозлар бирин-кетин ишлов берилгач, кейин сотувга чиқарилган [16: 42].

Қамишқоғоз – қамишдан қоғоз пишириш усули жуда ғаройиб. Бунинг тартиби мана бундай. Маҳсус қамишзор жойлар назоратга олинади. Яъни, мол қўйилиб, пайхон бўлмаслиги, ўсимлик яйраб, ўсиб, тиниқ пишиши учун қамишлар пишиб, етилиб, ғўта уруҳдонлари “меҳмонак” чиқарганидан кейин уриб олиниб, сарғайган япроқларидан ажратиб, бир ҳафта қуруқроқ жойга қўйилади. Кейин сарғайган қамиш новдалари тошоҳурга сиғар меъёрда майдаланади. Қамиш кесмалари ўлчанади ва маълум меъёрда қушқўзи ишқори, шу миқдорда оҳактош қўшилиб, жувоз қоғозлар тошоҳурларига солинади.

Ҳар бир тошоҳурга жойлаштирилган қамиш кесмаси ишқор ва оҳактош аралашма ёғоч тукмоқлар билан уриб, майдаланган. Узоқ муддат янчилиб, сурмадай майинлик касб этган аралашманинг ҳосиласи маҳсус ўраларда 15 кун бостириб қўйилади. Бостирма ичида ички ҳароратда яна ҳам пишиб етилган аралашмани ўлчаб, катта-катта қозонларга солиб қайнатилади.

Пиширилган оҳак – Бу сув билан реакцияга келтирилиб, хавфсизлантирилган оҳакдир. Буни Суғдлар оҳаки пухта деганлар. Ана шу оҳаки пухтадан солинган аралашма қайнагандан кейин, аталага ҳам оқ ранг беради, ҳам таркибининг қотиши, чидамдорлигини мустаҳкамлайди. Қоғозпазлар жувозқоғозлар охурларида янчмага ҳеч қачон хом оҳак қўшмаганлар.

Атала қайнатма – қайнатгани олов устидан маҳсус жойга олиб қўйиб, ичидаги аталани кам-кам элак мосламада олиб, сувини кеткизиб, қўритиб, ёйиб-ёзиб қўйганлар. Бир қозон аталадан ҳосил бўлган варақлар қуригач устма-уст тахлам қилиб, варақ тахламни катта тоштахта устига бир варақ, бир варақ қўйиб, ақиқ тош билан текислаб, буни ақиқтош дазмол деганлар. Босма қоғоздай бўлган қамиш қоғозларни бу ёрма атала жуда қалин қилиб, чидамдорлигини оширади. Икки томонига ёрма аталаси суртилган қоғозлар яна бир қарра қуритилиб, тахланади. Бу энг охириги ишдириким, Бухоро қамиш қоғозининг ҳақиқий саноат хомашёси бўлишида нуқта қўяр усулдир. Юзига атала суртилиб,

куритилган қоғоз вароқлари ақиқтош билан ақиқдазмол қилиниб, сотувга тайёрланади. Ақиқтош дазмолдан гулдай чиққан Бухоро қоғоз варақлари бозорга чиқарилиб сотилган. Таркиби жуда сифатли, ранги пишган қамиш рангидай майин сарғиш ва ҳиди кўнгилга ёқар Бухоро қамиш қоғозлари бозори жуда чаққон бўлган. Бу табиий тоза маҳсулотга кўшни вилоятлардан ҳам харидор кўп келган. Лекин шу маҳсулотнинг қозондаги аталасига Ширавч ўсимлигидан тайёрланган елим ва пишиқ ғишт талқони ҳам солиб яна қайнатилган.

Бухоро қоғозпазлигида ширач ўсимлигидан (уни аҳоли Каврак ҳам дейди) шира олиш усули жуда оддий. Ширавч пишиб етилгандан кейинг ўқ илдизлари ер остига чуқур кириб бориб, йўғонлашади. Ана шу ўқ илдизларини кавлаб олиб, қуришиб, уни пишиқ ғишт бўлаклари билан мосламада ундай қилиб, аталага қўшиб, яна бир бор қайнатадилар. Бу усул қоғоз варақларининг бир-бирига ёпишиб қолмаслик олдини олади.

Бизнингча, Бухорода олдин пилла пайдо бўлган. Тўғрироғи, ихтиро қилинган. Кейинчалик ғўза ўсимлиги кашф қилинган, ундан кенг фойдаланиш бошланиб кетган.

Бухорода қамиш қоғоздан кейин янги изланишлар олиб борган аждодларимиз уада – Бухоро шеvasи билан айтганда, чағбутдан ҳам қоғоз пиширишни йўлга қўйганлари қоғоз ишлаб чиқариш саноатида янгилик бўлган, десак тўғри бўлар.

Уада (чағбут) пахта чикитидир. Бундан ташқари пахтадан тоза ип олиш жараёнида ҳосил бўлган чикитлардан ҳам унумли фойдаланса бўлади. Собик Иттифок даврида пахта заводларидаги чикитлар куйдириб юбориларди. Лекин буни қарангим, тадбиркор ўтмишдошларимиз ундан унумли фойдаланиб, қоғоз ишлаб чиқаришган.

Бу иш усули мана бу тартибда адо этилган. Пахта чикитлари, уадалар олдин кул билан яна бир карра тоз қилинган. Яъни, титиб-титиб, ғумбаклари охиригача очилган, унинг отирлиги ўлчами ҳисобга олиниб, маълум миқдорда оҳак, қорашўра ишқори қўшиб, тошоҳурларга солиниб, жувоз қоғоз ускунасини ишлатиб юборишган. Кечакундуз ёғоч тўқмоқлар билан урилган ишқор, оҳак, пахта чикити майдаланиб, Бухоро тили билан айтганда, “ун” бўлиб кетган, сурмадай майин аралашма тошоҳирлардан махсус тоғораларга олиниб, 10-15 кун димлаб қўйилган. Устига қалин – шол, дастурхон, дарпарда, кигиз, жувол ташлаб қўйилган.

Зиғирпоя қоғози – буни зиғирпоядан тайёрланган қоғоз ҳам дейдилар. Чунки, зитирпоя қамишдай қаттиқ бўлиб, ҳосали йиғиштирилгандан кейин пояса майдаланиб, оҳак, қорашўра ишқори солиниб, янчилади. Янчма димланади (10-15 кун). Димланган қоришма қайнатилади. Кейин ширач илдизи янчмаси, пишиқ ғишт янчмаса билан аралаштирилиб, яна бир бор қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатма махсус элакда эланиб, вароқлар тайёрланиб, қуритилади. Қуритилган қоғоз юзига гуруч аталаси суртилиб, оҳор берилади. Кейин қуриган оҳорли қоғозлар ақиқтош билан текисланади [1: 110].

Қоғози катони – бу қоғоз тури Бухорода мавжуд. Каноп пояси яхши маҳсулот беради. Лекин қамиш, пахта, пилла, зиғирчалик сифатли эмас. Бу поянинг жилдорлиги, хушбуйлиги, чидамлилиги ҳам унчалик баланд эмас. Бундан фақат коплар тўқишда қалин, дағал иплар олса бўлади. Лекин ота-боболаримиз каноп поясидан ҳам синашта усулда қоғоз тайёрлаганлар. Каноп поялари қаламчаланган. Тошоҳурларда оҳак, ишқор солиб янчилган. Кейин димланган янчма қайнатилган. Ширавч билан пишиқ ғишт талқони солиниб, яна бир бор қайнатилган. Ғалвир қолипларда сузиб олиниб, қуритилган. Қуритилган маҳсулот юзига атала суртилиб, оҳорланган қоғоз юзига ақиқтош билан ишлов берилган.

Тухмак – қоғозга ранг беришда ишлатиладиган воҳаларда ўсадиган сариқ гулли ўсимлик гулидан тайёрланган сариқ ранг.

Сирач – пиёзгуллиларга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик илдизи кукунидан тайёрланган ёпишқоқ бўтқа.

Тайёрланган қоғоз бўтқасини элаш учун махсус тўрни тайёрлашда кўпроқ от қили ишлатилган. Қоғоз куйилишидан олдин четан устига тўр тўшалган ва унинг устига қоғоз бўтқаси бир хил юпкаликда ёйиб чиқилган. Бунда қоғознинг қалинлигига алоҳида эътибор берилган, чунки унинг қанчалик қалин ёхуд юпка бўлиши ана шу ерда белгилаб олиларди. Бу жараённинг осонроқ кечиши учун қоғоз бўтқаси ёйишдан

аввал сувга қориштирилиб олинган. Зарур ҳолатларда қоғоз бўтқаси икки бор ёйилган. Четан устидаги қоғоз бўтқасидан сув тўла томиб бўлганидан кейин қуюқлашган қоғоз латта тўшалган тахтакачга кўчирилган. Тахтакач устига қоғоз ёймаси устма-уст қилиб тахланган. Бунда улар ўртасига латта кўйиш шарт эмасди, чунки анча силқиб қотиб қолган қоғоз ёймалари бир-бирига ёпишмаган. Шу тариқа бир кечада 240 саҳифадан иборат қоғоз бостирмаси юкнинг ортиб бориши ҳисобига сувдан тўла халос этилган. Ҳосил бўлган қоғоз варақларига юпқа қилиб буғдой унидан тайёрланган сирач елими сурилган ва қуриштириш учун сувалган деворга ёпиштириб қўйилган. Маълум муддатдан кейин қуриган қоғоз варақлари девордан ажратиб олинган ва махсус пичоқ ёрдамида керакли ўлчам бўйича кесиб чиқилган. Сўнгра буғдой унидан тайёрланган оҳорли сирач олдин қоғознинг бир томонига, сўнгра иккинчи томонига суркаб чиқилган. Тайёр бўлган қоғозга ишлов бериш учун улар нок дарахтидан ишланган тахтакачга қўйилиб, тошўқлов ёрдамида пардозланган. Зарур бўлганда охирги жараён икки-уч бор такрорланган. Қоғоз тўлиқ қуриши учун дорга осиб қўйилган. Кўп ҳолларда, қоғознинг янада жиллдор бўлиши учун уни етти мартагача пардозлашган.

ХУЛОСА. XVIII аср бошларида Самарқанд ва унинг атрофларида 42 та қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритган. Бухоро ва Самарқанд ҳукмдорларининг ўзаро кураши натижасида минтақада иқтисодий таназзул рўй бериб, қоғоз ишлаб чиқаришнинг ҳам сифати пасайиб кетади. Хунармандлар Кўқон, Қоғозгар ва Чорку қишлоқлари яқинига кўчади. Шундай қилиб қоғоз ишлаб чиқариш маркази Кўқонга кўчади. XX асрнинг бошларигача хунармандлар қоғоз ишлаб чиқарган. XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларига келиб Самарқанд, Бухоро ва Кўқонда қоғоз ишлаб чиқариш тўхтатилган. Яъни, 1924 йилда тугатилган [2: 2].

Ўзбекистонда қоғоз саноати 1930 йилларда вужудга келиши ҳамда 1932 йилда Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент қоғоз фабрикаси ишга туширилиши ва шу йили 1595 тонна қоғоз ишлаб чиқарилиш натижасида Бухорода қадимий қоғоз ишлаб чиқариш саноати батамом тугатилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулев таржимаси. Қаранг: Муҳаммад ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Фан. 1958.
2. Асророва Л.Қ. Самарқанд қоғози тарихидан. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази. 09/09/2020 <https://www.bukhari.uz/?p=11913>.
3. Беленицкий А.М., Бентович И.В., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Ленинград: Наука, 1973. – С. 289. – С. 305-306.
4. Зуфаров Т. Хат таълими. – Т.: Meriyus. 2010. – Б. 55.
5. Ибн ан-Надим Китаб ал-Фихрист ли-н-Надим / Тахжик Рида б. Зайн ал-Абидйн ал-Хаъирй ал-Мазандаринй - Байрут. 1988.
6. Истахрий. Масолик ва мамолик таълифи Абу Исҳоқ Иброзуш Истахрий. То PDF: www.al-mostafa.com/ - Б. 116, 150.
7. Йўлдошев И. Европа папирусга ёзаётганда. Маърифат. газетаси / № 452. 2012 йил – Б. Қаранг: Йўлдошев И. Европа папирусга ёзаётганда. <https://e-tarix.uz/maqolalar/1023-maqola.html>
8. Қанд. – Техрон: Мерос мактуб, 1999. – Б 321.
9. Муҳаммад ибн Исҳоқ Надим. Китабу-л-фихрист. Ризо Ибн Али Зайнул Обидин Ҳодий Мозандароний таҳрири остида. - Техрон: 1971. Ж. I. – Б. 23.
10. Муҳиддинов А. Бухоро қоғоз тарихи ва қайта тикланиши. Бухоро вилоят босмахонаси МЧЖ. – 2017. 110 б.
11. Салоти Маъсудий. Манбалар хазинаси. Тошбосма. №175. – Б 153. 21-23-қаторлар.
12. Саъолибий. Латоифу-л-маъриф. – Қоҳира: 1960.
13. Ҳайрату-л-фуқоҳо. Шахсий кутубхона. Қўлзма. 986 варақ. Қаранг: Асророва Л.Қ. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва Ҳанафий фикҳи. – Т.: Тошкент ислом университети. 2014. – Б 53.
14. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Гафур Гулом. 1990. – Б 36.
15. Эҳсон Зунун Абдуллатиф Сомирий. Ат-тариху-л-ҳадори лимадинати Бухоро. (94-389/712-999). – Урдун: 1997.
16. Jo'rayev N.X. Xattotlik maktabi tarixi. – Buxoroi sharif. Bukhara Hamd Print 2023. – B 42.